

СИҚИЛГАН ТАБИЙ ГАЗ ТАЪМИНОТИ УЧУН

ШАРТНОМА № 12

« 5 » Январь 2022 йил

Марғилон шаҳри

“REAL GAZ AVTO INVEST” МЧЖ номидан корхона Низом асосида иш юритувчи жамият раҳбари И.Рахимов (кейинги ўринларда “ТАЪМИНОТЧИ” деб юритилади) бир томондан ва Ерғони - Ҳамидзода корхонаси номидан корхона Низом асосида иш юритувчи корхона раҳбари Д. Ҳатмалиев (кейинги ўринларда “ИСТЕМОЛЧИ” деб юрититилади) иккинчи томондан бўлиб кўйидаги шартномани туздилар:

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. “ТАЪМИНОТЧИ” ушбу шартноманинг 2.1-бандида қайд этилган микдорда, ҳажмларда, баҳоларда ва муддатларда “ИСТЕМОЛЧИ” га етказиб бериш, “ИСТЕМОЛЧИ” эса етказиб берилган маҳсулотларни қабул килиб олиш ва хақини тўлаб бериш мажбуриятин ўз зиммасига олади.

2. МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ, ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТИ

2.1. Шартномада кўрсатилган сиқилган табиий газни етказиб бериш шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

ТР	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Йиллик микдори	Нархи (КҶС билан)	Шартнома қиймати
1	Сиқилган табиий газ	Куб метр	5358	2800	15002400

2.2. Етказиб бериш “истемолчи” автомобилларининг газ баллонларини “етказиб берувчи” автомобил газ тўлдириш компрессор станциялари (АГТКС)да етказиб бериш кунидаги нарҳда тўлдириш орқали амалга оширилади.

3. МАҲСУЛОТ БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси уни тузиш вақтида НДС билан 15002400 (Ун биуҷ шеллоч иккак шенг тўғри 103) сўм, шартнома суммаси ва хом ашё, материаллар, ёқилғи-энергетика ресурсларининг ўзгариши, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг Низом ва қарорларидаги ўзгаришлар туфайли ўзгартирилиши мумкин.

3.2. Сиқилган табиий газни чиқариб юбориш (ёнилғига қўйиш) белгиланган шаклдаги тарқатиш варакалари бўйича камиде 100% дастлабки счёtlар тўлангандан ва “таъминотчи”нинг хисоб-китоб счётига пул тушганидан кейин амалга оширилади. “ТАЪМИНОТЧИ” томонидан ҳакиқатда етказиб берилган сиқилган табиий газ учун якуний тўлов “ИСТЕМОЛЧИ” томонидан белгиланган тартибда берилган ҳисобварак-фактура асосида тасдиқланган ойдан кейин 10 кун ичida амалга оширилади. КҶС ҳисобварак-фактурада кўрсатилади.

3.3. Хисоб-китоблар пул ўтказиш йўли билан ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигида кўзда тутилган бошқа тартиб усулларда амалга оширилади.

4. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. “Истемолчи” газ баллонли ускуналар билан жиҳозланган транспорт воситаларининг ишлаши учун техник ҳолат ва хавфсизлик тартиблари, шунингдек, ёнғин, санитария ва экологик хавфсизликка риоя қилиш учун жавобгардир.

4.2. “ИСТЕМОЛЧИ”га:

- сиқилган табиий газ фойдаланиш ва автомобил газ баллонли ускуналар ишлаши бўйича амалдаги қоидалар, хусусиятлари, кўрсатмалар ва қоидаларга риоя;
- газ баллонли ускуналар ва автомобил моддий кисмини яхши ҳолатда саклаш;
- йўл варакаларида газ баллонлар сони, техник ҳолати ва унинг геометрик ҳажми ҳакида қайд этиш;
- белгиланган тартибда автомобилни сиқилган газ тўлдиришга рухсат олиш;
- баллонларнинг умумий, геометрик ҳажми кийматини автомобилнинг техник паспортида (маҳсус кўйишда) 0,5 аниқликда ёзиш ҳамда автомобилнинг маҳсус қисмларига ёзиш.

4.3. «ТАЪМИНОТЧИ»:

- автомобилнинг газ ускуналари, асбоблари ва ўчириш воситаларининг тўғри ишлашини текшириш;
- ҳайдовчининг сиқилган табиий газда ишлайдиган автомобилни бошқариш ҳукуки учун гувоҳнома, ёнилғи кўйиш учун рухсатнома ва йўл варакаси борлигини текшириш.
- Агар “истемолчи” (“истемолчи”нинг ходимлари) белгиланган ҳукукларга, ёнилғи кўйиш қоидаларига ва ушбу шартнома шартларига риоя қилмаса, сиқилган табиий газ билан таъминланмайди.

5. СИҚИЛГАН ТАБИЙ ГАЗ МИҚДОРИ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

5.1. “Истемолчи”га чиқарилган сиқилган табиий газ миқдори “таъминотчи”нинг ўлчов асбоблари асосида аникланади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ушбу шартномада белгиланган газ ҳажмидан ортиқча сиқилган табий газни танлаш қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

6.2. Сиқилган табий газни тўлаш мажбуриятларини таъминлаш мақсадида, томонлар тегишли равишида ижро кафолат мажбуриятини, нотариал идораси томонидан тасдиқланган кафил таъминлаш учун "истеъмолчи" талаб қилиши мумкин қарздорнинг активлари, ёки "етказиб берувчи" гаров ҳакида қўшимча битим тузиш хукуқига эга.

6.3. Етказиб берилган газ учун тўловларни амалга ошириш муддатлари кечиктирилган тақдирда айборд тараф иккинчи тарафга мажбурият бажарилиши кечиктирилган ҳар бир кунга 0,3 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бирор пеня миқдори асосий қарзни 30 фоизидан ортиб кетмаслиги лозим.

6.4. "ИСТЕЪМОЛЧИ"га сиқилган табий газ етказиб бериш шартлари бузилган тақдирда етказиб берилмаган махсулот суммасининг 0,3% миқдорида, лекин 30% дан кўп бўлмаган миқдорда жарима солинади.

6.5. Бошқа ҳолларда тарафлар шартномавий мажбуриятларин бажармаганликлари ёхуд лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукуқий базаси тўғрисида" ги Конунда ва бошқа қонунчилик хужжатларида кўзда тутилган тартибда мулкий жавобгар бўладилар.

7. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА МИҚДОРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. "ТАЪМИНОТЧИ" томонидан етказиб бериладиган сиқилган табий газ сифати амалдаги давлат стандарти (ГОСТ, ТУ) талабига жавоб бериш лозим ва бу ҳакида "ИСТЕЪМОЛЧИ"га махсулот сертификатидан нусха берилади.

8. ФОРС МАЖОР

8.1. "ТАЪМИНОТЧИ" ва "ИСТЕЪМОЛЧИ" газни етказиб бериш ва қабул қилишни кисқартириш хукуқига эга ва қўйидаги ҳолларда бунга жавобгар эмас:

а) олдиндан кўзда тутилмаган ҳолатлар туфайли вужудга келган магистрал газ қувурлари, шахар газ ва электр тармоқлари конларидағи авариялар пайтида;

б) ёнгинлар, зилзилалар, сув тошқинлари ва бошқа табий оғатлар пайтида;

в) магистрал газ қувурларини, шахар газ ва электр тармоқларини тегишли синовларни кейинги капитал таъмиглаш, шунингдек пайвандлаш ишларида.

9. ШАРТНОМА МУДДАТИ

9.1. Ушбу шартнома томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва 31.12.2022 йилгача амал килади.

9.2. Шартнома икки нусхада, "ТАЪМИНОТЧИ" учун бир нусхада ва "ИСТЕЪМОЛЧИ" учун ушбу битимларда назарда тутилмаган масалалар бўйича томонлар амалдаги қонунчиликка асосан "истеъмолчиларга магистрал газ қувурлари орқали газ етказиб бериш қоидалари" ва тасдиқланган «тарқатмаларга мувофиқ ёнилги қўйиш учун суюлтирилган ва сиқилган табий газни чиқариш тартиби».

9.3. Шартнома тарафларни келишуви билан ёхуд Фукаролик кодексининг 282-383-моддаларида кўзда тутилган шартлар асосида бекор қилиниши, шартномага қўшимча ва ўзгартаришлар киритиш мумкин. Шартномага киритиладиган қўшимча ва ўзгартаришлар ёзма равища қўшимча битим сифатида расмийлаштирилади ва ушбу шартноманинг ажралмас қисми хисобланиб, тарафлар учун бажариш мажбурийдир.

10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Тарафлар ўртасида вужудга келган ва келишув асосида ҳал қилиб бўлмаган барча низолар туманлараро иктиносидий суди орқали ҳал этилади.

11. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

"ТАЪМИНОТЧИ"

"ИСТЕЪМОЛЧИ"

"REAL GAZ AVTO INVEST" МЧЖ

Ҷёвон ш. Гулистон МФЙ

СТИР: 302698539

ЧЭКИ АТБ «Ҳамкорбанк» Марғилон филиали

ХР 20208000800260600001 МФО 00991

Телефон: 99878 229-77-97

Рахбар:  И.Рахимов



Корхона Ҷёвон шумон ҳокемлиш

Манзил Муҳтакимлик шўғли

СТИР 200166950

Банк Мар. баъз. Тошкент



100218603017011204018001

МФО 00014

Рахбар Р. А. Фатехов

Телефон: +998 91 118-21-37

М.У.

 К. ракимов  Т. Каримов